

# СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТРАНСПОРТНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

*Тер ДУ (Комилов А.Л)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 7 февралдаги **ПҚ-3514**-сонли қарорида, Сурхондарё вилоятининг туризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, ҳудуднинг ноёб тарихий-маданий ва меъморий обидалари билан туристларни кенг таништириш, замонавий туризм инфратузилмасини жадал ривожлантириш, кўрсатилаётган туризм хизматлари сифатини такомиллаштириш, ички туризмни фаоллаштириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли даромадлари ўсишини рағбатлантириш назарда тутилган бўлиб, Сурхондарё вилоятининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури қабул қилинган.

Бу борада ҳудудда жойлашган тарихий ёдгорликлар тубдан таъмирланиб, кўркам қиёфа касб этмоқда.

Вилоятимизда сайёҳлик соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Шу мақсадда ҳудудда, энг аввало, меҳмонхоналар тармоғини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Ҳозир барча қулайликларга эга 20 дан ортиқ меҳмонхона фаолият олиб бормоқда. Чет элдан ташриф буюрувчиларни вилоят тарихи ва бетакрор табиати билан яқиндан таништириш учун 20 дан зиёд қадимий обидалар бўйлаб уч йўналишда саёҳатлар дастури йўлга қўйилган. Шеробод туманидаги Исо ат-Термизий, Шўрчи туманидаги Далварзинтепа, Термиздаги Фаёзтепа, Денов шимолидаги Қорабоғтепа ва бошқа ўнлаб тарихий манзиллар ана шулар жумласидандир. Бундан ташқари, Термиз шаҳридаги Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Археология музейи ҳам сайёҳларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Амударё бўйида жойлашган Ал-Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳида кенг кўламли реконструкция ишлари

амалга оширилди. Унинг атрофи ободонлаштирилиб, инфратузилма шакллантирилди.

Сурхондарё вилояти Минтақавий туризмни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди.

Шу билан бир қаторда Бойсун туманида Омонхона қишлоғи, Зовбоши тоғли ҳудуди, Дарбанд қишлоғи ҳудудларини ўз ичига олган - Бойсун кичик туризм зонасини.

Сариосиё ва Узун туманларида Хонжиза тоғ тизмалари ён бағирларида ҳамда Сариосиё тумани Сангардак қишлоғи ҳудудларида - Сариосиё кичик туризм зонасини

Шеробод тумани Шалқон қишлоғи, Хўжаикон туз кони ҳудудларида ҳамда ҳудуддаги мевали боғларни ўз ичига олган - Шеробод кичик туризм зонасини ташкил этиш ҳамда уларда замонавий меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туризм аҳамиятига эга бўлган бошқа объектлар қуриш, шунингдек, замонавий муҳандислик инфратузилмаси объектларини ташкил этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш бўйича таклифларини йўлга қўйиш зарур.

Янги йўналишларда зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» да азиз-авлиёлар муқаддас ҳоки қўйилган бу масканларни ободонлаштириб, зиёратчи сайёҳларнинг таҳорат қилиши, намоз ўқиши учун замонавий қулайликлар яратиш, «ҳалол» стандартини жорий этиш .

Сурхондарёда туризм билан боғлиқ бўлган бетакрор гўзал табиати, ландшафтлар, хилма-хил ноёб ўсимликлар ва хайвонот дунёси,табий ёдгорликлар мавжуд.

Ҳудудларда туризмни ривожлантиришнинг яна бир ижобий томони шундан иборатки, унда юқори даражада хизмат кўрсатувчи меҳмонхоналар талаб қилинмайди. Табиат билан мулоқотда бўлиш учун қора уйларни жойлаштириш кифоя.

**2019** йилда вилоятнинг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни ҳамда туристлар ташриф буюрадиган объектларга олиб борувчи йўлларни таъмирлаш ва транспорт хизматини яхшилаш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг манзилли дастурини ишлаб чиқиш лозим.

Худуднинг янгиланган, замонавий қиёфасини яратиш, транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, хориждан ташриф буюраётган сайёҳларга сифатли хизматлар кўрсатиш каби муҳим масалаларга алоҳида аҳамият берилиши ва зиёрат туризми имкониятларидан унумли фойдаланишга қулай муҳит яратади.

Бойсун, Сариосиё ва Шеробод кичик туризм зоналарига олиб борувчи йўл ёқаларида тўхташ жойлари, хизмат кўрсатиш комплекслари, умумий овқатланиш жойлари ҳамда замонавий кемпинглар ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу дам олиш масканлари тоғ ён бағрларида жойлашган бўлиб сўлим гўшаларни кўриш баланд тоғларга чиқиш имконияти ва вақтни тежаш мақсадида осма йўлакчалар ташкил қилинса мақсадга мувофиқ бўлади ва бу алббата ижобий натижа беради. Иқтисодий ҳудудда темир йўл линиясини ишга туширилиши, янги автомобиль йўлларини қурилиши ва мавжудларини реконструкция қилиниши борасида амалга ошириладиган тадбирлар жанубий минтақани транспорт билан таъминланганлигини юқори даражага оширди. Бу эса ҳудудни иқтисодий, техник-технологик ўсишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш борасидаги амалий саъй-ҳаракатлар Сурхондарёнинг янги истиқболи сари йўл очмоқда. Бу эса тараққиётнинг янада юксак марраларига эришилади, деганидир.

## **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ички туризмни жадал  
ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 7 февралдаги  
ПҚ-3514-сонли қарори.

2. Ислон Каримовнинг Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг ишга  
туширилишига бағишланган тантанали маросимдаги НУТҚИ // Халқ сўзи, 2007 й.  
25-август.